

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

УММАТОВА МУХАЙЁ ЭГАМБЕРДИЕВНА

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ҚУЙИ ОҚИМИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА КАРП
(*CYPRINUS CARPIO L*) БАЛИҒИНИНГ ЯЙЛОВ АКВАКУЛЬТУРАСИ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.15 – Ихтиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Умматова Мухайё Эгамбердиевна

Зарафшон дарёси қуйи оқими сув ҳавзаларида карп (*Cyprinus carpio L*) балиғининг яйлов аквакультураси объекти сифатидаги биологик хусусиятлари..... 3

Умматова Мухайё Эгамбердиевна

Биологические особенности карпа (*Cyprinus carpio L*), как объекта пастбищной аквакультуры в водоемах низовьев реки Зарафшан..... 19

Ummatova Muhayyo Egamberdiyevna

Biological peculiarities of common carp, (*Cyprinus carpio L*) as object of culture-based fisheries in the lower Zarafshan river water bodies..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

УММАТОВА МУХАЙЁ ЭГАМБЕРДИЕВНА

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ҚУЙИ ОҚИМИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА КАРП
(*CYPRINUS CARPIO L*) БАЛИҒИНИНГ ЯЙЛОВ АКВАКУЛЬТУРАСИ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.15 – Ихтиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/B381 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот–таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Камилов Бахтиёр Ганиевич биология фанлар доктори
Расмий оппонентлар:	Иззатуллаев Зувайд биология фанлари доктори, профессор
	Мирзаев Улуғбек Тураевич биология фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «13» ноябр куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2020 йил «30» октябр куни тарқатилди.
(2020 йил «30» октябрдаги 1-рақамли реестр баённомаси)

Д.А.Азимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик

Г.С.Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б.Шакарбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ички сув ҳавзалари захираларидан самарали фойдаланишда уларга кўшимча тарзда балиқчилик вазифасини юклаш муҳим стратегик йўналишлардан бири ҳисобланади. Балиқ етиштиришда жаҳонда етакчи бўлган Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида, айниқса, яхши ривожланган яйлов аквакультураси технологияси истиқболли саналади. Ушбу технология, авваламбор, ов ихтиофаунасини сунъий равишда тез шакллантириш ҳисобига сув ҳавзаси табиий озуқа базаси организмларидан оқилона фойдаланишга асосланади. Сув ҳавзаси озуқа занжири дастлабки бўғинини банд этган балиқ турлари йил давомида етиштириладиган ва яйлов аквакультураси бир мунча ривожланган экваториал ва тропик мамлакатларда балқ етиштириш мавсумийлик яққол сезиладиган ва қишда балиқлар ўсиши тўхтайдиган мўътадил иқлимли сув ҳавзаларида балиқ етиштиришдан тамоман фарқ қилади. Мўътадил иқлимли бир қатор мамлакатларда, жумладан Марказий Осиёда, озуқа занжирининг дастлабки бўғинини банд этган турларни етиштиришнинг назарий асослари режали иқтисод даврида яратила бошланган бўлса-да, ўтиш даврида бу борадаги ишлар тўхтаб қолган. Шундан келиб чиқиб, сув ҳавзасида етиштирилаётган балиқларни овлашни тартибга солиш ва маҳаллий ихтиофауна турлари биохилма-хиллигини сақлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда сув захираларидан самарали фойдаланиш учун яйлов аквакультурасининг асосий объекти сифатида карп (*Cyprinus carpio* L.) ва узоқ шарқ ўтхўр карпсимон балиқлардан, шунингдек, теляпия ва бошқа тропик балиқ турларидан фойдаланилади. Шу билан бир қаторда, иқлим шароити ўртасидаги катта фарқ туфайли Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибасидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкони йўқ. Бу эса, минтақамиз шароитидаги карп балиғини кўпайтириш, чавоқларни мунтазам равишда сув ҳавзасига ўтказиб туришнинг таъсирини баҳолаш ва овладидиган балиқлар ичида унинг улушини орттиришда маҳаллий шароитдан келиб чиқишни тақозо этмоқда. Бу ўринда, фақатгина ҳудуднинг географик жойлашуви асосида шаклланган муҳит шароитларини ҳисобга олган ҳолда, турнинг биотехнологик кўрсаткичларига бевосита таъсирларни тадқиқ этиш ҳамда балиқлар етиштириш услубларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамиз шароитида балиқ етиштириш ҳажмини яқин келажакда сезиларли тарзда оширишга, жумладан, яйлов аквакультурасини ривожлантиришда энг истиқболли турлардан бири бўлган карп балиғини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, Ўзбекистоннинг кескин – континентал қурғоқчил иқлим шароитида турнинг биологиясини ҳисобга олиш ва муайян шароитли сув ҳавзаларида балиқ етиштириш технологияларини ривожлантириш йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида¹ «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчиллик билан ривожлантириш» ва дарё оқими бошқариладиган шароитда «сувдан комплекс фойдаланиш» каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, кейинчалик сув ҳавзасига ўтказиш учун балиқ чавоқларини кўпайтириш, балиқ етиштириш технологияларини ривожлантириш, сув ҳавзалари учун истиқболли бўлган замонавий аквакультура тизимини танлаш, балиқчилик сув ҳавзалари балиқ маҳсулдорлигини ошириш, шунингдек, мавжуд сув ҳавзаларидан комплекс фойдаланиш асосидаги замонавий ёндошувларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Карп балиғининг ҳозирги вақтда тарқалган ареалидаги морфологик, ўсиш ва кўпайувчанлик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар билан E.Balon (1995), G. Hulata (1995), E.Brzuska (2001), J.Parkos (2003), M.Sarder (2007), D. Jelkić (2014) тадқиқотларида танишиш мумкин.

МДХ мамлакатларида Ю.Привезенцев (2000), И.Остороумова (2001) С.Пономарев (2002), А.Желтов (2006), А.Войнарович (2014) каби олимларнинг ишларида мўътадил иқлим ҳудудидаги кўплаб сув ҳавзаларида аквакультуранинг турли йўналишларида, шу жумладан, яйлов аквакультураси шароитида етиштириш биотехнологияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Таниқли олимлардан Л.Алехина (1989), Б.Каримов (2008), Ж.Собиров (2011) Б.Камилов, М. Юлдашов (2019) ларнинг тадқиқотларида Ўзбекистон

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳудуди карп балиғи ва яйлов аквакультураси технологияси борасидаги маълумотлар ўз аксини топган.

Қайд этилган ишларда бу тадқиқот маълумотлари эпизодик кўринишга эга бўлиб, карп балиғи биологик потенциали ва яйлов аквакультурасининг оптималлаштириш ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирмайди. Шунинг учун ҳам яйлов аквакультураси технологиясининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини баҳолаш, аквакультура тизими учун балиқчилик омилларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва ўрганилган сув ҳавзаси учун замонавий аквакультура тизимини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 1.1–2016 “Хориждан келтирилган балиқлар ва асалариларнинг иқлимга мослашувчанлик, маҳсулдорлик ва наслдорлик сифати” (2016-2019) амалий лойиҳаси доирасида ва Навоий давлат педагогика институтининг “Ўзбекистон биохилма-хиллигининг экологик хусусиятлари ва биология фанларини ўқитишнинг самарадорлигини ошириш методлари” (2012-2015) илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон дарёси қуйи оқими ҳавзаси яйлов аквакультураси табиий эркин шароитига мунтазам ўтказиб туриладиган карп балиғи тўдасининг ўсиши, жинсий вояга етиши ва серпуштлик кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда уларнинг сув ҳавзаси балиқ маҳсулдорлигини оширишдаги ролини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги Тўдакўл сув омбори яйлов аквакультураси шароитидаги сувнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш;

Тўдакўл сув омборида ривожланган яйлов аквакультураси шароитида карп балиқлари товар тўдасининг ўсишини аниқлаш; саноат усулида овланган карп балиқлари ёш-ўлчам тузилишини таҳлил этиш;

сув ҳавзасидаги карп балиғи морфологик хусусиятларига изоҳлаш;

сув ҳавзасида етиштирилаётган карп балиқларининг жинсий вояга етиш хусусиятлари ҳамда серпуштлик (мутлак, нисбий) кўрсаткичларини аниқлаш;

сув ҳавзасига ўтказилган карп балиқлари чавоқлари миқдори бўйича мавсумий ва йиллик қиёсий таҳлиллар ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тўдакўл сув омбори яйлов аквакультураси шароитидаги турли ёш-ўлчам гуруҳларидаги ва якка тартибдаги карп балиқлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Тўдакўл сув омборидаги карп балиғининг ўсиш кўрсаткичлари, тана ўлчамлари, жинсий вояга етиши ва серпуштлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ихтиологик, гистологик ва вариацион статистика усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон дарёси қуйи оқими сув ҳавзасидаги янги инновацион технология – яйлов аквакультураси шароитида карп балиғининг ёши ва ўсиш суръатининг ўзига хос жиҳатлари илмий жиҳатдан асосланган;

бентофаг бўлган карп балиғидан яйлов аквакультураси объекти сифатида фойдаланиш йирик ирригацион сув омбори балиқ маҳсулдорлигини мазкур тур бўйича гектарига 20-25 кг ошириш имконини берувчи самарадорлиги аниқланган;

овланган балиқларнинг тур таркибини таҳлил қилиш орқали сув ҳавзасида етиштирилаётган балиқ турларидан фойдаланиш самардорлигига таҳлиллар асосида баҳо бериш йўллари далилланган;

турнинг сув ҳавзасидаги жинсий вояга етиш ва кўпайувчанлик хусусиятлари аниқланган;

карп балиғининг ўсиш суръати, серпуштлик кўрсаткичлари сув ҳавзасига ўтказилган бир ёзлик чавоқлар сифат кўрсаткичларига боғлиқлиги асосланган;

балиқларнинг ўсиш ва жинсий вояга етиш кўрсаткичларининг турли-туманлиги ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари очиқ берилган;

сув ҳавзасидаги яйлов аквакультураси эҳтиёжи учун карп балиғини кўпайтириш юзасидан тавсиянома ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қурғоқчил Ўзбекистоннинг ўзига хос йирик сув омборида карп балиғини сувдан комплекс фойдаланиш тамойиллари асосида фаолият юритадиган яйлов аквакультураси технологиясида етиштиришга ўтказилганлигининг ижобий натижалари очиқ берилган;

балиқчилик хўжалиги томонидан қўлланиладиган сув ҳавзасига балиқ ўтказиш меъёрлари (балиқ чавоқларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари) билан овланган балиқ миқдори ўртасидаги боғлиқлик ишлаб чиқилган;

катак ўлчамлари йирик бўлган фаол ов қуроллари билан овлашга ўтишнинг самарадорлиги аниқланган;

Тўдакўл сув омборида технологияни янада оптималлаштириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги, кенг кўламда йиғилган материаллар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, олинган маълумотлар замонавий статистик дастурлар асосида таҳлил қилинганлиги, натижаларнинг етакчи нашрларда чоп этилганлиги ҳамда амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрганилган сув ҳавзасидаги карп балиғи ўсиш суръатининг қайта тикланганлиги, балиқлар ёшини ишончли аниқлаш учун тангача хусусиятидан фойдаланилганлиги, урғочи балиқлар жинсий вояга етиш, мутлақ ва нисбий серпуштлик кўрсаткичларининг ёш хусусиятлари таҳлил этилганлиги ҳамда кўпайиш хусусиятларининг балиқлар тана

ўлчамлари ва ўсиш суръатларига бевосита боғлиқлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Зарафшон дарёси қуйи оқими сув ҳавзаларида қўлланиб келинаётган технологиянинг самарадорлигига карп балиғини кўпайтириш, чавоқларни мунтазам равишда сув ҳавзасига ўтказиб туришнинг таъсири аниқланганлиги ва биотехнология оптималлаштириш бўйича берилган тавсиялар асосида сув ҳавзасида овланган балиқлар ичида карп балиғининг улуши ортганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон дарёси қуйи оқими сув ҳавзаларида карп (*Cyprinus carpio L.*) балиғининг яйлов аквакультураси объекти сифатидаги биологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

карп балиқларини сунъий кўпайтиришни оптималлаштириш мақсадида ота-она балиқлар тўдасига урчиш мавсуми олдидан озуқалар меъёрини ошириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ҳамда балиқ питомниги ҳовузларида ёзнинг иссиқ кунларида паст босимли компрессордан фойдаланишга доир ишлаб чиқилган амалий тавсиялар “Golden Lake Fish” хўжалиги балиқ питомниги амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 31 январдаги 02/026-322-сон маълумотномаси). Натижада, уларнинг серпуштлиги 10-15% гача ошган ҳамда балиқ сонини ўртача 520 минг донага етказиш орқали ҳовуздан фойдаланиш самардорлигини ошириш имконини берган;

сув ҳароратининг ўзгариши натижасида икраларнинг замбуруғ касалликларининг олдини олишга доир ишлаб чиқилган тавсиялар балиқчилик хўжалигининг балиқларни касалликлардан ҳимоя қилиш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 31 январдаги №02/026-322 -сон маълумотномаси). Натижада, карп балиқларида учровчи замбуруғ касаллиги – сапролегниознинг 40 % гача олдини олиш имконини берган;

балиқ чавоқларини сув ҳавзасига ўтказишда балиқлар биологияси ва сув ҳавзаси табиий озуқа базаси ҳолатидан келиб чиқиш зарурлиги, шунингдек, балиқ чавоқларининг вазни, яшовчанлиги ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар “Навоийбалиқсаноат” МЧЖ тасарруфидаги балиқчилик хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Ўзбекбалиқсаноат уюшмасининг 2020 йил 25 январдаги 08/108-сон маълумотномаси). Натижада, уч йил ўтгандан кейин овланган балиқлар орасида карп балиқлари улушини (промвозвратъ) 3-4% дан 7-14% га ошириш ҳамда балиқ питомникларидаги личинкаларнинг яшовчанлигини 40-55% дан 80-85% га, бир ёзлик чавоқлар вазнини эса 25-30 гр ўрнига 70-80 гр гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Карп (*Cyprinus carpio L*) Ўзбекистон балиқчилик хўжалигининг асосий объекти сифатида” деб номланган биринчи бобида республикада балиқ етиштириш таҳлил қилинган (ўсиш 1996-2009 йилдаги 6-9 минг тоннадан 2018 йилда 94 минг тоннадан ортиқ), мавжуд сув ҳавзаларидан самарали фойдаланиш учун нисбатан юқори балиқ маҳсулдорлигига эга бўлган инновацион технологияларни ривожлантириш зарурати кўрстиб берилган. Тўдакўл сув омборида фойдаланиб келинаётган яйлов аквакультураси технологияси истиқболли ҳисобланади ва етиштирилаётган балиқ объектлари ичида карп асосийси бўлганлиги учун унинг биологияси таҳлил қилинган. Сув ҳавзаси Зарафшон дарёси қуйи оқимида қурилган ва сувини Аму-Бухоро канали орқали Амударёнинг ўрта оқимидан олади. Сув омборининг майдони – 22 000 га, узунлиги 35 км, кенглиги – 12 км, ўртача чуқурлиги 5 м, максимал чуқурлиги – 22 м. Мўътадил иқлим зонасининг мавсумийлик яққол намоён бўладиган кескин континентал иқлимли жанубида жойлашган. Сувининг йиллик ўртача ҳарорати –17°C. Сувининг энг паст ҳарорати декабрь – январь ойларида кузатилади (ўртача кўрсаткичи – 5,1-5,4°C), баҳорда қизиб, май ойида карп балиғи урчиши учун қулай бўлган ҳароратга – 22,1-23°C га етади. Июль-август ойларида нисбатан исиган бўлади (ўртача кўрсаткичи – 27,7-28,9°C), кейин қишга томон ҳарорати пасаяди. Сувининг сифати илиқ сув аквакультураси учун қулай: суви чучук, ёзда сувининг тиниқлиги Секки диски бўйича – 63 -230 смни ташкил қилади. Сувининг водород потенциали – рН – 8,3-8,4. Суви йил давомида барча биостанцияларда кислородга тўйинганлиги аниқланди ва унинг миқдори –8,1 – 10,2 мг/л га тенг бўлади.

Мазкур технология бўйича жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон сув ҳавзалари хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Карп (*Cyprinus carpio L*) ҳозирги вақтда тарқалган турли ҳудудлардаги биологиясига оид маълумотлар келтирилган. Сув ҳавзасида мазкур турнинг катта тўдаси

яшаши республика учун янгилик бўлиб унга биологик тартиб, объектни боқиш имконияти таъсир қилади ва улар мазкур тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳисобланади. Сув ҳавзасининг гидрокимёвий, гидробиологик тартиби, шу жумладан, узоқ вақт фаолият юритаётган яйлов аквакультураси шароитидаги ихтиофаунаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Карп балиғини яйлов аквакультураси шароитида ўрганиш услублари ва материаллари” деб номланган иккинчи бобида тўпланган намуналар ҳажми, тадқиқот манбаси, намуналарни йиғиш усуллари, гидрокимёвий, гидробиологик ва ихтиологик тадқиқот услублари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар даврида (2012-2019 йиллар) карп балиғининг 469 намунаси йиғилди ва таҳлил қилинди.

Саноқ маълумотларини қайта ишлашда статистиканинг бир ўзгарувчан, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилди.

“Зарафшон дарёси қуйи оқими яйлов аквакультураси шароитида карп балиғининг ёши ва ўсиши” деб номланган учинчи боб уч бўлимдан иборат бўлиб унда саноат овидаги, тадқиқот овларидаги карп балиқлар ёш тузилиши, сув ҳавзасига ўтказилган ва овланган балиқлар миқдорининг боғлиқлиги, сув ҳавзасига ўтказилган карп балиғининг ўсиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Балиқлар тана узунлиги ва танасининг умумий оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги регрессион боғлиқлик тенгламаси билан тавсифланади: $W (г) = 0,031 * SL^{2,917} (r = 0,93)$ (1-расм).

Ўрганилган сув ҳавзасидаги карп балиғи тўдасининг морфологик хусусиятлари аниқланди, хусусан, ён чизиғидаги тангачалар сони – 33-37 (ўртача 36,0) та, елка сузгич қанотидаги шуълалар сони – D I, 17 – 19 та, аналь сузгич қанотида эса – A II 4-5 та шуъласи бор.


Карп балиғининг тангачаси циклоид, четлари текис овал шаклида, тангачанинг орқа секторида тангачанинг марказидан бошланадиган радиал каналчалар яхши кўринади; айрим каналчалар иккинчи ва ҳатто учинчи йиллик ҳалқадан бошланади. Карп йирик тангачалик балиқ бўлиб, тангачаларининг нисбий ўлчам кўрсаткичи 4,6-6,9(ўртача 5,9) ташкил қилади.

Тангачалар бўйича 5 ёшгача бўлган карп балиқлар ёшини ишонч билан аниқлаш мумкин. Уларнинг тангачасида кўпинча қўшимча ҳалқаларни учратиш мумкин (узунлиги 33 см дан ортиқ 30 та балиқ препаратидан 16 тасида қўшимча ҳалқаларни учратдик). Йиллик ҳалқалар жинсий вояга етмаган балиқларда март ойида, жинсий вояга етганларида эса апрель-май ойининг ўрталарида пайдо бўла бошлайди.

Балиқлар тангачасидан уларнинг ўсишини қайта ҳисоблаш усулини танлаш учун биз тангачалар ўлчамининг тана узунлигига боғлиқлигини таҳлил қилдик, улар қуйидаги регрессион тенглама билан ифодаланади: $SL (см) = 3,109 * V(мм) + 0,377 (r = 0,98)$ (2 – расм).



1-расм. Тўдакўл сув омбори яйлов аквакультураси шароитида карп балиқлари танаси умумий оғирлигининг стандарт узунлигига боғлиқлиги



2- расм. Балиқлар тана узунлигининг тангачалар диагонал радиуси ўлчамларига боғлиқлиги

Аниқланган боғлиқлик балиқлар ўсиш суръатини аниқлашда Роза Ли услубидан ишончли тарзда фойдаланиш имконини беради.


Сув ҳавзасидаги балиқ турининг саноат усулида овланаётган ёш тузилмаси тўданинг ҳолатини таснифлайди. Яйлов аквакультураси объекти билан бўлган вазият фарқ қилади: Тўдакўл сув омбори яйлов аквакультураси шароитида карп балиқлари тўдасининг кўпайишидан ҳавотирланишга асос йўқ, чунки бу ерда тўда сунъий шакллантирилган, бутун тўдани ҳам овлаб олиш мумкин. Шундай қилиб, тўданинг тузилишидаги маълумотлар балиқларнинг ўсиши ва овлашнинг самандорлигини таснифлайди.

2013 – 2018 йиллар давомидаги саноат овида 2+ дан 7 ёшгача, танасининг оғирлиги 1,1 – 12,9 (ўртача 4,1 кг) бўлган балиқлар учради (3.– расм).

Кўриниб турибдики, балиқчилик хўжалиги сув ҳавзасига балиқ чавоқларини ўтказишнинг ва етиштирилаётган балиқларни овлашнинг самарали тартибини ишлаб чиққан: овланган балиқлар тана ўлчамининг юқори товар сифатига (2 кгдан ошиқ) эгаллиги билан изоҳлаш мумкин. Балиқлар ҳаётининг дастлабки йилларида тез ўсади, демак, улар табиий озуқа базасидан вегетатив ўсишда самарали фойдаланади. Табиий озуқадан генератив ўсиш

учун камроқ фойдаланилади. Балиқлар ёши катталашган сари (4-ёш ва ундан катта) озуқа генератив ўсишга сарфланади, шу билан бирга 2013 йил ва 2016 – 2017 йиллар давомида овланган карп балиқлар ичида биринчи марта жинсий вояга етган (3 – ёшлик) балиқлар улуши қарийб 70 % ташкил қилар эди.

Тўдакўл сув омборидан 1994 – 2003 йилларда (сув ҳавзасига балиқ чавоқлари ўтказилмасдан олдин) йилига ўртача 70 тонна карп балиғи овланган. Шундан келиб чиққан ҳолда 70 тоннани сув ҳавзасидаги карпнинг табиий кўпайиши ва табиий озуқа базаси асосидаги ўртача балиқ маҳсулдорлиги деб қабул қиламиз, ундан юқори овланган балиқ яйлов аквакультурасининг самараси ҳисобланади. Овланган балиқлар ўртача ўлчамидан фойдаланиб турли йиллардаги ов қайтимини (промвозвратъ) (%) ҳисоблаб чиқдик: сув ҳавзасига мунтазам равишда балиқ чавоқлари ўтказиб турилганда ов қайтими – 3,2-15 % ни ташкил қилди. Балиқчилик хўжалиги турли йилларда ҳар хил катталиқдаги (ўртача 30 г дан 100 г дан катта) бир ёзлик балиқ чавоқларини сув ҳавзасига ўтказган. Охириги йилларда хўжалик йиртқичлар сиқувидан тезроқ чиқиши ва балиқлар ҳаётчанлигини ошириш учун ташланадиган бир ёзлик балиқ чавоқларининг ўлчамини оширди. Натижада, ов қайтими 2015 ва 2016 йилларда юқори бўлди (7-14 %). Бу ечим (сув ҳавзасига ўтказиладиган балиқлар ўлчамини ошириш) биотехнологик нуқтайи назардан нисбатан жозибадор саналади.




3 - расм. Тўдакўл сув омборидан саноат усулида овланган балиқлар ёш тузилиши 2013 йил (А) ва 2016-2017 йил (Б).

Корреляцион ва регрессион таҳлил натижалари сув ҳавзасига ўтказилаётган чавоқлар тўдаси биомассаси билан овланган балиқлар балиқлар миқдори ўртасида ишончли боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди карпа (4 – расм).

2013 – 2018 йиллар давомида ўрганилган сув ҳавзасида карп балиғининг куйидагича ўртача ўсиш суръати кузатилди: SL_1 – 16, см; SL_2 – 33,3см; SL_3 – 45,6 см; SL_4 – 57,5 см ; SL_5 – 66,5 см ; SL_6 – 73,2 см ; SL_7 – 74,7 см.

Турли йилларда туғилган барча авлодларида (2013 йилдан бошлаб) дастлабки 3 йилда ўсиши жуда юқори эканлиги кузатилди, кейин ўсиш суръати секинлашади. Барча авлодида Роза Ли феномени кузатилмади. Келтирилган маълумотлар республиканинг текислик зоналари учун яйлов аквакультураси-

нинг истиқболли эканлигини кўрсатади. Балиқчиликнинг турли технологик усуллари (сув ҳавзасини ўғитлаш, балиқларни озиқлантириш ва бошқалар) қўлланмасдан, фақатгина ҳаётчанлиги юқори бўлган бир ёшлик балиқ чавоқларини сув ҳавзасига оқилона ўтказиш орқали сув ҳавзасининг балиқ маҳсулдорлиги гектарига 51-69 кгга кўтарилди (яйлов аквакультураси технологиясигача сув ҳавзасининг балиқ маҳсулдорлиги гектарига 8 – 12 кг бўлган).



4 - расм. Тўдакўл сув омборига сув ҳавзасига ўтказилган бир ёшлик чавоқлари ҳажми билан овланган товар карп балиқлари миқдорининг боғлиқлиги


Кўрсатилган боғлиқлик асосида хўжаликнинг балиқ питомниги ҳовузларида йирик балиқ чавоқларини етиштириш тавсия қилинган эди, шу сабабли балиқчилар бир қатор чора-тадбирларни қўллаб, маҳаллий шароитда бир ёшлик чавоқларнинг тез ўсишига эришдилар (5 – расм).

Диссертациянинг тўртинчи боби “Сув ҳавзасида карп балиғининг жинсий вояга етиши ва серпуштлик хусусиятлари” деб аталади ва унда ўрганилган сув ҳавзасида жинсий вояга етиш тезлиги «яқдил» эканлиги кўрсатилган. Февраль-март ойларида барча 3-ёшдаги урғочи балиқлар танасининг узунлиги 38 – 49 (ўртача 49,2) см бўлиб, гонадалари жинсий вояга етишнинг IV босқичида эди. Шу билан бирга балиқ питомнигида етиштирилган жинсий вояга етиш тезлиги бўйича 1-2 ёшлигида хилма-хиллик кузатилди. Натижада, нисбатан йирик (тез ўсувчи авлод) урғочи балиқлар 3-ёшида биринчи марта жинсий вояга етди, унчалик кўп бўлмаган бир қисм 3-ёшлик (секин ўсадиган) урғочи балиқлар ҳали жинсий вояга етмаган эди, бундай урғочи балиқлар 4-ёшида жинсий вояга етади.

Балиқ питомниги ҳовузларида етиштирилган урғочи балиқлар танасининг узунлиги 49 – 68 (ўртача 53,8) см, танасининг умумий оғирлиги 2001 – 6350 (3254) г мутлақ серпуштлиги 256 – 659 (398,2) минг дона, нисбий серпуштлиги 99,3 – 165,5 (152,3) икра/грамм тана оғирлигига тенг бўлди. Гонада намуналаридаги жинсий етилган икралар ўлчами – 0,91-1,12 (ўртача 1,03) мм ни ташкил қилди.

Сув омборидан тутилган урғочи балиқларнинг тана узунлиги – 53-78 (ўртача 63,8) см, оғирлиги – 3201 – 7005 (3954) г.), мутлақ серпуштлиги – 286 – 1259 (698,2) минг дона, нисбий серпуштлиги – 99,0 – 155,4 (141,2) икра/ та-

на оғирлигига тенг бўлди. Гонада намуналаридаги жинсий етилган икралар ўлчами – 0,92-1,09 (ўртача 1,04) мм ни ташкил қилди.



5 – расм. Балиқ питомниги ҳовузларида карп балиғи бир ёзлик чавоқларининг ўсиши, 2015 йил

Ҳар икки гуруҳ урғочи балиқлари серпуштлик кўрсаткичлари бўйича бир-бирига яқинлиги аниқланди, бу балиқларнинг генетик жиҳатдан яқинлиги ва яшаш муҳитининг ўхшашлиги билан изоҳланади.

Индивидуал мутлақ серпуштлик кўрсаткичи билан балиқлар ўлчами ўртасида ижобий боғлиқлик борлигини аниқланди ($r_{\text{инс-SL}} = 0,64$). Шу билан бирга индивидуал нисбий серпуштлик урғочи балиқлар тана ўлчамидан қатъий назар ўзгариб турди ($r_{\text{инс-SL}} = 0,21$). Худди шунингдек, етилган икралар ўлчами ҳам балиқлар танаси ўлчамига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгариб турди ($r_{\text{д-SL}} = 0,06$).

Олинган маълумотлар, нисбий серпуштлик кўрсаткичи сув ҳавзасидаги кўпайиш шароитини ва популяция таснифини билдиради деган нуқтайни назарни тасдиқлайди. Шунингдек, турнинг урғочи балиқлари жинсий етилган икралари популяцияни таснифловчи турғун белги деган қарашни ҳам тасдиқлайди.

“Сув ҳавзасининг шаклланган яйлов аквакультураси тартибидаги балиқчилик хусусиятлари” деб номланган бешинчи бобида карп балиғининг табиий ҳолатидан биров кўп тўдаси яшайдиган сув ҳавзаси хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Сув ҳароратининг йиллик динамикаси қуйидагича: қишда сув ҳарорати – 7-10°C, ёзда –25°C. Сувда эриган кислород миқдори қишда –11,7 мг/л, аста-секин ёзнинг ўрталарида – 6-7 мг/л гача пасаяди ва қишда кўтарилади. (6 – расм).

Зарафшон дарёсидан сув олувчи каналнинг қўйилиш жойида сувда эриган аммоний миқдори йил давомида 0,011 – 0,936 мг/л оралиғида ўзгариб туради. Аму – Бухоро канали қўйилиш жойида унинг миқдори 0,016 – 0,01 мг/л оралиғида бўлади. Сув ҳавзасининг марказий қисмида аммоний миқдори 0,07 – 0,013 мг/л ни ташкил этди. Балиқчилик фаолияти учун ушбу кўрсаткичнинг миқдори 1 мг/л гача бўлса қулай саналади. Шундай қилиб сув ҳавзасидаги ва унга қўйиладиган каналлардаги шароит ушбу кўрсаткич бўйича ҳам балиқчилик учун қулай ҳисобланади.



б – расм. Сувда эриган кислороднинг Тўдакўл сув омборидаги йил давомидаги микдори (чапда - «марказида», ўнгда - «кўлтиқда»), 2016 йил.

Сув омборининг сувидаги нитритлар микдори 0,01 - 0,03 мг/л оралиғида ўзгариб туради, яъни ушбу кўрсаткич бўйича тоза сув ҳисобланиб, аквакультура учун жуда қулай.

Шундай қилиб, Тўдакўл сув омбори бутун акваторийси бўйлаб балиқчилик омиллари бўйича аквакультура ривожини учун жуда қулай, шу жумладан, ушбу сув омборида асосий балиқчилик объекти бўлган карп учун ҳам. Келтирилган маълумотлар кўрсатишича, сув ҳавзасига сув олиб келадиган каналлар, айниқса Зарафшон дарёсидан сув оладиган канал суви сифат жиҳатдан фарқ қилиши мумкин. Бироқ бу майдони йирик бўлган сув омбори сувининг сифат кўрсаткичларига сезиларли таъсир қилмаган.

Сув ҳавзасидан овланган балиқлар тур таркибини таҳлил қилиш натижалари бор йўғи 10 тур саноат овида иштирок этишини кўрсатди. Карп яйлов аквакультураси шароитида ҳар йили саноат овида энг муҳим бўлган балиқ турлари рўйхатига киради. Шунингдек, 2013 йилдан бу гуруҳга оқ сла (судак) (*Sander lucioperca*) балиғи мунтазам равишда кирмоқда, бу сув ҳавзасида орол чавоқ балиғи ва бошқа қисқа циклик балиқлар захирасининг мўллиги билан изоҳланади. Гап шундаки, корхона балиқ овловчилари кўп йиллардан буён бозорларга фақат сифатли йирик балиқларни етказиб бериш учун балиқ овлашда катак ўлчамлари жуда йирик (70x70 мм) тўрлардан фойдаланиб келади, шунинг учун ҳам майда балиқлар кўпайди, оқ сла эса шундай балиқлар ва креветка билан озикланиб ўзининг сонини стабил тарзда ошириб олди. Саноат овида ҳам йирик оқ сла балиқлари овлаганлиги туфайли сув ҳавзасида бу балиқнинг кўпайиши кузатилади.

Саноат овида карп ва оқ сла балиғи йилнинг барча мавсумида овланади. Саноат овида оқ дўнг пешона балиғи (сув ҳавзасига ўтказиб туриладиган) ва оқча балиқлари ҳам мунтазам равишда тутилади. Шунингдек, овланган балиқлар орасида амур илонбош балиғи, оқ амур, кумуш товон балиқ, орол чавоқ балиғи, оддий лаққа ва бошқа балиқлар ҳам учрайди.

Сув ҳавзасига ўтказилган балиқ турларининг овладидиган тўдаси фақат жуда катта балиқлардан иборат, бу балиқлар тўдасининг жуда яхши ҳолатда эканлигидан далолат беради.

Яйлов аквакультураси бўйича жаҳон тажрибаси ва республика шароитида карп балиғи учун мавжуд шароитлар умумлаштирилган. Сув омборларига балиқ ўтказиш яйлов аквакультурасининг кенг тарқалган шаклларида бири. Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида (кейинги ўн йилликда яйлов аквакультураси жуда ривожланди) ва сув ҳавзасига бой мўътадил иқлимли мамлакатларда (Россия, Белоруссия ва бошқа) яйлов аквакультураси учун яхши бошқариладиган тизимни яратиш учун 10 дан 200 гектаргача майдонга эга бўлган сув ҳавзаларни тавсия қилишади ва фойдаланишади. Бу масалада республикамиз ўзига хос хусусиятларга эга: дарёлар оқими тўлиқ бошқарилади, сув омборлари вас изот сувлари тўпланадиган қўллар бор аммо уларнинг барчаси нисбатан йирик (10 000 – 250 000 га ва ундан катта). Бунда сув ҳавзасининг биринчи вазифаси бу республика иқтисодий тармоқлари ва ирригация тизимида иштирок этиш бўлса, балиқ овлаш кейинги вазифаларидан бўлиб унда сув ҳавзаси экологик тартибини ўзгартириш талаб этилмайди.

Ўрганилган сув ҳавзаси тажрибаси бундай ҳолатда яйлов аквакультураси истиқболли эканлигини кўрсатади.

Яйлов аквакультураси корхонаси ташкил этилгандан кейин Тўдакўл сув ҳавзасидан овладидиган балиқлар миқдори йилига 110-180 тоннадан 943-1459 тоннагача ошди ва бу асосан сув ҳавзасига бир ёзлик чавоқларини ўтказиш билан боғлиқ. Сув ҳавзасига ўтказилган балиқ чавоқлари 3-ёшлик давридан бошлаб овланган балиқлар орасида учрай бошлайди. Йирик ўлчамли балиқларни овлашни мақсад қилиш овланаётган тур балиқлар тўдасининг ёш-ўлчам тузилмасига қулай таъсир кўрсатиши мумкин. Сув ҳавзасига ўтказилган балиқ чавоқлари ва овланган балиқлар ҳажми ўзгаришини таҳлил қилиш натижалари улар ўртасида ижобий боғлиқлик борлигини кўрсатди. Тўдакўл сув омборида қўлланилган вариантлар ичида ўстириш тиғизлиги гектарига 200 дона бўлганда энг самарали бўлди. Шундан келиб чиқиб Орол денгизи сув ҳавзасидаги сизот сувлари тўпланадиган қўлларда кўл товар хўжалиқларини ташкил қилишни тавсия қилиш мумкин. Шу билан бир қаторда балиқларни ўстириш тиғизлигини гектарига 500 донагача оширишни тавсия қиламиз.

Орол денгизи ҳавзасидаги текислик сув ҳавзаларининг табиий маҳсулдорлиги гектарига 3-5 кг ни ташкил қилган. 1960-70 йилларда қимматбаҳо балиқ турларини иқлимлаштириш ҳисобига ов ихтиофаунасини сунъий реконструкция қилиш ҳисобига текислик сув ҳавзаларининг балиқ маҳсулдорлиги гектарига 8 – 12 кгга оширилди. Ҳавзанинг текислик қисмидаги сув ҳавзалари балиқ маҳсулдорлигини янада оширишга яйлов аквакультураси тартибини асосланган ҳолда киритиш орқали эришиш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

“Зарафшон куйи оқими сув ҳавзаларида карп (*Cyprinus carpio* L.) балиғининг яйлов аквакультураси объекти сифатидаги биологик хусусиятлари” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тўдакўл сув омбори сувининг сифат кўрсаткичлари балиқчилик параметрлари бўйича чучук сув аквакультураси илиқ сув объектлари учун жуда қулай ва яйлов аквакультураси балиқ маҳсулдорлигини гектарига 60 кг гача етказиш имкони мавжуд.

2. Сув ҳавзасида узоқ муддат фаолият юритаётган яйлов аквакультураси тартибида 7 – ёшгача ва танасининг оғирлиги 12,9 (ўртача 2,52) кг бўлган балиқлар учради.

3. Саноат усулида овланган балиқлар ичида 3-7 ёшли, танасининг оғирлиги 1,1 – 12,9 (4,2) бўлган балиқлар кўпчиликни ташкил қилади, уларнинг биомасаси ҳам юқори бўлиб мос равишда балиқлар умумий сонининг 42% ва биомассасининг 70% ини ташкил қилади.

4. Тудакўл сув омборида карп балиқларнинг ўртача ўсиш суръати куйидагича: $SL_1 = 17,4$ см, $SL_2 = 11,7$ см, $SL_3 = 12,0$ см, $SL_4 = 10,3$ см, $SL_5 = 8,2$ см, $SL_6 = 4,5$ см.

5. Тўдакўл сув омборидаги карп балиқлари меристик ва пластик белгиларининг ўзгарувчанлиги тур ичидаги ўзгарувчанликка мос келади.

6. Тудакўл сув омбори шароитида урғочи карп балиқлари 3 – ёшида, танасининг узунлиги (SL) 38 см га етганда биринчи марта жинсий вояга етади.

7. 3-6 – ёшдаги урғочи карп балиқларнинг узунлиги 53 – 78, танасининг умумий оғирлиги 3201 – 7005 г бўлганда, гонадаларининг (жинсий етилганликнинг IV босқичда) оғирлиги 301 – 980 (ўртача 552) г оралиғида, индивидуал мутлақ серпуштлиги 286 – 1259 (698,2) минг дона, нисбий серпуштлиги 99,0 – 155,4 (141,2) дона икра/г ни ташкил қилади.

8. Жинсий етилганликнинг IV босқичида бўлган 1 г оғирликдаги гонадасида 905 – 1450 икра бўлади, жинсий етилган икралари ўлчами – 0,92 – 1,09 (ўртача 1,04) ммни ташкил қилади. Бу юқори кўрсаткичлар мўътадил иқлим зонасидаги карп балиқлари тур ичидаги ўзгарувчанлигидан четга чиқмайди.

9. Тўдакўл сув омбори яйлов аквакультураси шароитидаги карп балиқларининг ўсиш, жинсий вояга етиш, серпуштлик кўрсаткичлари унинг тарқалиш ареалидаги, кўчириб ўтказилган жойларидаги шу жумладан аквакультурадаги кўрсаткичларидан юқори ҳисобланади.

10. Сув ҳавзасига ўтказилган бир ёзлик чавоқлар миқдори ва овланган карп балиқлари миқдори ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд.

11. Сув ҳавзасига нисбатан йирик ўлчамли (100 гр ва ундан юқори) бир ёзлик чавоқлар ўтказилганда уларнинг овланган балиқлар орасидаги улуши (промовзврат) кўпаяди (7-14%). Ўтказилган чавоқлар ўлчами 30 гр гача бўлганда уларнинг овланган балиқлар ичидаги улуши 3,5 % ни ташкил қилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.02/30.12.2019.B.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

УММАТОВА МУХАЙЁ ЭГАМБЕРДИЕВНА

**БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ КАРПА *CYPRINUS CARPIO L*
КАК ОБЪЕКТА ПАСТБИЩНОЙ АКВАКУЛЬТУРЫ В ВОДОЕМАХ
НИЗОВЬЕВ РЕКИ ЗАРАФШАН**

03.00.15 – Ихтиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD/В381.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу (www.zoology.uz) и в информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Камилов Бахтиёр Ганиевич
доктор биологических наук

Официальные оппоненты:

Иззатуллаев Зувайд
доктор биологических наук, профессор

Мирзаев Улугбек Тураевич
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

**Бухарский государственный
Университет**

Защита диссертации состоится «13» ноября 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании разового научного совета на основе научного совета DSc.02/30.12.2019.B.52.01 при Институте зоологии (Адрес: 100053, город Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б, Зал заседаний Института зоологии. Тел: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии института (зарегистрирована за № 30. (Адрес: 100053, город Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б, Тел: (+99871) 289-04-65).

Автореферат диссертации разослан «30» октября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «30» октября 2020 года)

Д.А.Азимов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней д.б.н.,
профессор, академик

Г.С.Мирзаева
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.б.н.,
старший научный сотрудник

Э.Б.Шакарбоев
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одним из стратегических направлений рационального пользования ресурсами внутренних водоёмов является создание на них дополнительной рыбохозяйственной функции. Перспективным направлением является пастбищная аквакультура, получившая особенно большое развитие в странах Юго-Восточной Азии - мировых лидеров в производстве рыбы. Данная технология прежде всего основывается на максимальном использовании естественной кормовой базы водоемов за счет массивированного оперативного искусственного формирования промысловой ихтиофауны. Есть отличия технологии в экваториальных и тропических странах с круглогодичным нагулом рыб, где базируются на видах, занимающих начальные звенья пищевых цепочек в водоемах, от пастбищной аквакультуры в водоемах умеренного климата с ярко выраженной сезонностью и зимней остановкой роста рыб. В ряде стран умеренного климата теоретические основы культивирования видов начальных звеньев пищевой цепочки были заложены при плановой экономике, а в переходном периоде работы остановились, в том числе и в регионе Центральной Азии. Исходя из этого, регулирование вылова культивируемых в водоёме рыб и обеспечение гарантий сохранения биоразнообразия видов местной ихтиофауны имеет важное научно-практическое значение.

В мировой аквакультуре основными объектами пастбищной аквакультуры для рационального использования водных ресурсов являются карп (*Cyprinus carpio L.*) и дальневосточные растительноядные карповые рыбы, а также ряд видов тилапий и других тропических рыб. Вместе с тем, прямое использование опыта стран Юго-Восточной Азии в нашей республике невозможно из-за слишком больших климатических различий. А это требует в культивировании карпа в условиях нашего региона, в оценке влияния регулярной посадки молоди в водоём и повышении его доли среди промысловых рыб исходить из местных условий. В этом важное научно-практическое значение обретает исследование непосредственных воздействий на биотехнологические показатели вида и разработка методов рыбопроизводства только с учётом условий среды, сформировавшихся географическим расположением территории.

В республике большое внимание уделяется существенному увеличению производства рыбы в том числе культивировании карпа как к одному из наиболее перспективных видов в развитии пастбищной аквакультуры. В этом отношении налаживается учёт биологии вида в резко-континентальном аридном климате Узбекистана и развитие технологий его культивирования в водоёмах с конкретными условиями. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определены задачи «последовательного развития сельскохозяйственного производства» и «комплексного водопользования» в условиях зарегулированного стока рек. Исходя из этих задач, считаются актуальными исследования, направленные в том числе на разработку

подходов, основанных на воспроизводстве молоди для последующего зарыбления водоёмов, развитие технологий рыбопроизводства, выбор перспективной для водоёмов современной системы пастбищной аквакультуры, повышение рыбопродуктивности водоёмов рыбоводства, а также на комплексное пользование имеющих водоёмов.

